



QAROR

№ 720-6

2000 yil « 27 » oktabr

"Каттақург'он шаҳар А.Темур даҳасида  
жойлашган Тиш даволаш поликлиникаси  
енидан фуқаро Гулбаҳор Зокировага  
дукон қуриш учун ер ажратиш хақида"

Узбекистон Республикаси ер кодексининг 16- моддасига асосан  
ва фуқаро Абдураҳим Турсуновнинг, ҳамда Зокирова Гулбаҳорнинг  
аризаларини инобатга олиб

Q A R O R

К И Л А М А Н :

1. Каттақург'он шаҳар Амир Темур даҳасида жойлашган Тиш даволаш поликлиникаси енидан фуқаро Абдураҳим Турсуновга шахсий дукон қуриш учун 0,024 Га майдонда ер ажратиш тугрисидаги шаҳар хокимининг 1993 йил 26-август 408-сонли қарори бекор қилинсин.
2. Каттақург'он шаҳар Амир Темур даҳасида жойлашган Тиш даволаш поликлиникаси енидан фуқаро Зокирова Гулбаҳорга шахсий дукон қуриш учун 0,024 Га майдонда ер ажратилсин.
3. Ер ажратиш дукон қурилишини лойиҳалаштириш билан боғлиқ хамма харajatлар Г.Зокирова зиммасига юклатилсин.
4. Ер ажратишни неъмorchилик бўлимида қайд қилинсин.
5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш шаҳар хокимининг уринбосари К.Г.Хусановга юклатилсин.

Шаҳар Хокими:

Т. Т. Камалов